

ШАРТНОМА № 3

(Ичимлик сувини етказиб бериши, оқава сувларини қабул қилиши хизматлари ва тұловни амалға ошириши бүйіча)

Коровулбозор т.

“10” январ 2022 йил

“Бухоро Сув Таъминоти” МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи корхона бошлиғи У.Маматов бир томондан ва Коровулбозор туман ТТБ (кейинги үрингелді “Истеъмолчи” деб юритилади) үзининг низоми (ишончнома, буйрук) асосида иш юритувчи раҳбары И.Бозоров, иккінчи томондан мазкур шартномани күйидагилар хакида тузамиз.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 “Бухоро Сув Таъминоти” МЧЖ Истеъмолчи”га ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш мажбуриятини уз зиммасига олади, “Истеъмолчи” уз урнида амалда кулланилаеттан тарифлар асосида ва ушбу шартномада кайд этилган шартлари бүйіча “Бухоро Сув Таъминоти” МЧЖ га тұловларни уз вактида тулаң бөриш мажбуриятларини олади.

1.2. Истеъмолчи томонидан оқава тармогига ташланадиган оқава сувлар микдори, ичимлик суви тармогидан сарф килинган сув микдорига тенг килип қабул килинади.

1.3. Ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларини қабул қилиш бүйіча томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувни чиқарыш хизматлари кўрсатиши Коидалари”га (матн давомида «Коидалар») ва ушбу соҳадаги бошка меъерий хужжатлари асосида тартибга солинади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Бухоро Сув Таъминоти” МЧЖ нинг хукуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Истеъмолчи»ни шахар сув ва оқава сув тармогига уланган инженер-техник воститалари оркали коммунал тармогидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билан таъминлайди ва оқава сувини кувурлар оркали қабул килади. Коммунал тармогидан фойдаланиш чегараси «Истеъмолчи»нинг шахар ичимлик сув ва оқава сув узатиш тармогига уланган жойидир.

2.1.2. «Истеъмолчи»нинг тармокка уланган жойигача булган ичимлик сув ва оқава сувларни узатиш тармогини таъмирлаш, кайта тиклаш, кенгайтириш, янгилаш ҳамда ҳалокатларни барча сув оқувларни бартараф этиши каби ишларни амалға оширади.

2.1.3. Шахар сув ва оқава тармогида зарурат түгилганида таъмирлаш, бошка турдаги ишларни олиб бораётган холларда «Истеъмолчи»ни олдиндан огохлантириб, ичимлик сувини бериш ва оқава сувини қабул килишни тұхтатади.

2.1.4. «Истеъмолчи» белгиланган вактда тұловни амалға оширмаса, “Бухоро Сув Таъминоти” МЧЖ 7 кун давомида қарздорликни қоплаш тұғрисида огохлантиради, қарздорлик қопланмаса, шунингдек қарздорлик микдори шартнома умумий баҳосининг 10 фойзидан ошса сув таъминоти тұхтатилади.

2.1.5. Күйидаги холларда «Истеъмолчи»га хабар бермасдан туриб, сув етказишини ва оқава сувларни узатиш тұла ёки кисман тұхтатади:

- “Бухоро Сув Таъминоти” МЧЖ корхоналарида электр күввати билан таъминлаш тұхтатилганда;
- Табиии оғаттар құз бергандан;
- Шахар сув тармогида кучли ҳалокатлар құз бергандан;
- Шахар сув тармокларига узбошимчалик билан уланганда;

2.1.6. Шартномада илова килинган «Истеъмолчи»нинг сув тармогини ва иншоотларини лойихасига асосланиб «Истеъмолчи»нинг ички сув улчаш асбобларини холатини назорат килип боради, улардан тұгри, техник фойдаланиш ва сакланиши шартларига амал килинишини талаб килади.

2.1.7. Сув улчаш асбобларнинг курсаткичини, уларнинг мұхрини сакланишини ва бутунлигини күзатиб боради. Аникланган камчиликтер құзасидан «Истеъмолчи»нинг вакиби иштирокида далолатнома тұзади ва «Истеъмолчи»га амал килиш учун курсатмаларни беради. «Истеъмолчи» юкорида курсатылған хужжатта күйиштің бішортса, бу холда узининг Ѽзма өтірізини асослаб 2 кунлик муддатда тақдым этиши шарт, у холда бир томонлама тузилған далолатнома конуний хисобланиб, мазкур ойда хисоб китоб учун хисобхонага тұлов үндіриштегі қабул килинади. Агар келгусида мавжуд қарздорлик тұланмаганида, хужжатлар хужжаты судига белгиланған тартибда мурожаат килишінде асос болади.

2.1.8. Истеъмолчиларнинг гурухларига караб, етказиб берилған сув ва курсатылған оқава хизматлари учун белгиланған тарифлар асосида тақдым этилған хисоботи құзасидан, уларға хисобхона тұлови учун хужжатларни тақдым этади. Агар хисобот тақдым этиши жараёнда, унда хатоликлер аникланып, тузатиш киристилған холда нұсқаси кайтарылғанда, Истеъмолчи томонидан мазкур узгартыриш, тузатыштар құзасидан тузатылған хисоботларни 3 кунлик мұхлатта кайта тақдым этилиши шарт, акс холда бу тузатыштар билан топширылған хисобот асослы, ҳақиқиеттің деб хисобланишина олиб келади ва ҳақиқаттағы фойдаланылған микдор учун тұлов амалға оширилиши талаб килинади.

2.1.9. «Истеъмолчи»га ичимлик сувнинг ва оқава сувларни қабул қилиш тарифларни узгарған тұғрисида уларни амал килиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали хабар беради.

2.2. «Истеъмолчи»нинг хукуклари ва мажбуриятлари:

2.2.1. Мазкур шартнома имзоланыши жараёнда у үз карори ва буйруги билан ички сув етказиши тармогига, сув улчагич асбобларига ва корхонаси хисоботларига жағобагар шахсини тайинлаб, “Бухоро Сув Таъминоти” МЧЖ га уларни тақдым этади.

2.2.2. Шахар сув билан таъминлаш ёки оқава сувларни узатыш тармогига уланишдан олдин, “Бухоро Сув Таъминоти” МЧЖ дан белгиланған тартиб асосида Техник шартларини олади, унда сув таъминлаш еки оқава сувларни узатыш тармогининг ва узига тегишли шахар сув тармогига уланған барча объектларнинг жойлашилған лойихасини тақдым этади. «Истеъмолчи» шахар сув еки оқава сувларни узатыш тармогига уланиш еки үндан узилиш харажатларини уз зиммасига олади.